2003 YIL 20 FEVRAL, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№23 (6.548). Sotuvda erkin narhda




● Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган «Маҳаллам - фахрим» кўрик-танловини ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Тошкент Давлат аграр университетида мамлакатимиз ўрмончиларининг семинар-мунозараси бўлиб ўтди.

● Тошкентда Инвестиция институтлари миллий уюшмаси (ИИМУ) клубининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Қирғизистон пойтахти Бишкекда самбо бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистондан келган уч юздан зиёд спортчи иштирок этди.

● Фарғонада вилоят ҳокими кубоги учун ўтказилган футбол беллашувлари ниҳоясига етди.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон-Болгария» дўстлик жамиятининг беш йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

● Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

● Фарғона туманининг Тожихон Шодиева номидаги ширкат хўжалигида ташкил этилган «Фар-из» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси махсулот чиқара бошлади.

● Тошкентдаги Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежида меҳнат бозорига юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга бағишланган илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳрида телефон алоқа тармоғи етти рақамли тизимга ўтказилди. Шаҳар телефон тармоғи Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси тасарруфига ўтгач, алоқа сифати яхшиланди.



Бир неча йилдирки, Равшан Челматов Дўстлик туманидаги "Эл-Эрк-Нур" чигит ва масхарни қайта ишлаш корхонасида ишлаб келмоқда. У меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан жамоа олқишига сазовор бўлмоқда.
СУРАТДА: Равшан Челматов.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

# ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

***Ҳадемай пахтакорларимиз "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналардан уруғлик чигит оладилар. 120 минг тонна саралаган, дориланган уруғлик чигит тайёрлаш, яна 20 минг тоннага яқин уруғликни заҳирага қўйиш бу - осон иш эмас.***

-Мутахассисларимиз уруғлик чигитни сифатли тайёрлашга жиддий эътибор беришаяпти, - дейди уюшманинг тайёрлов бошқармаси бошлиғи Собиржон Эркабоев. – Чунки пахта ҳосилдорлигининг нечоғли юқори ва толасининг сифатли бўлиши уруғлик чигитга боғлиқ.

Бу йил республикамиздаги 110 та корхонада уруғлик чигит дориланиб, 53 та замонавий ускуналар ўрнатилган корхоналарда уруғлик чигит туксизлантирилмоқда.

Собиржон Эркабоевнинг айтишича, бу йил тайёрланаётган уруғлик чигитнинг 35 минг тоннасини туксизлантирилган чигит ташкил этади. Чигитни туксизлантирган ҳолда экишнинг афзал жиҳати кўп. Масалан, бир гектар ерга тукли чигит 60-70 килограмм сарфланса, туксизлантирган уруғликнинг 25-30 килограмми кифоя. Демак, икки-икки ярим карра кам. Бундан ташқари кимёвий восита туксизланган чигитга кўпроқ таъсир қилади. Бундай уруғ ерга тушгач ҳам тез униб чиқади, ҳам касалликка чалинмайди. Деҳқон учун бундай уруғлик жуда зарур. Бундан ташқари плёнка остида пахта етиштираётган деҳқонлар фақат туксиз чигит ишлатишади.

Очиғини айтганда, бундан беш-олти йил илгари республикамизда 180 минг тоннага яқин уруғлик тайёрланар, чигитни туксизлантириш салмоғи анча паст эди. "Ўзпахтасаноат" уюшмаси раҳбарларининг саъй-ҳаракати билан йилдан-йилга туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш миқдори ортиб бормоқда.

Бироқ уруғлик чигитни туксизлантириш асосан механик усулда амалга оширилмоқда. Кимёвий усул фақат Жиззах вилоятидаги "Элита" ва Қумқўрғондаги «Олтин чигит» корхоналарида қўлланмоқда. Ҳар иккала корхонанинг умумий имконияти 7 минг тоннага боради. «Элита» корхонаси раҳбари Холмўмин Ўролхоловнинг фикрича, кимёвий усулда туксизлантирилган чигитда механик шикастланиш бўлмайди ва унувчанлик 100 фоиздир. Механик усулда-чи? Истаймизми йўқми, чигит тўлиқ тозаланмайди, экиш пайти мосламага тиқилиб қолади, шикастланган, демакки ҳуда-беҳудага ерга тушадиган чигит ҳам учрайди. Механик усулда туксизлантирилган чигитни деҳқонлар ҳар гектар ерга кимёвий усулда тозаланган уруғликка нисбатан 4-5 килограмм кўпроқ ишлатадилар. Шунинг учун ҳам кўпчилик "Элита" ва «Олтин чигит» корхоналарида тайёрланган уруғлик чигитни афзал билади. Аммо бу уруғ бугун фақат икки вилоят деҳқонлари эҳтиёжини қоплаяпти, холос...

**БУГУННИНГ ГАПИ**

Бугун деҳқоннинг кўзидан уйқу қочган. У эрта-индин баҳорги экиш мавсуми учун ерларни тайёрлашга киришади, кексалар, тажрибали деҳқонларга маслаҳат солади, "Чигитни қачон эксам экан?" Аммо ҳар қанча тажриба бўлмасин, одамлар гапи тахмин, оддий кузатув. Шу боис илмга, гидромет идораси маълумотига суянган маъқул. Во ажаб, бу жойда тағин муаммо. Гидромет мухбирлар учун (қўнғироқ орқали боғландик-да) уч кунлик об-ҳаво маълумотини бераяпти, қолганига имкон йўқ, очиғи маблағ зарур. Деҳқонга-чи? Бугун деҳқонни март-апрелни қўятуринг, майнинг авзойи қизиқтиради. Шу маълумотни билиш учун борини аямайдиган азаматлар ҳам оз эмас. Гидромет эса тағин елка қисади – сабаб маблағ йўқлиги. Оқибат баъзи йиллар республикамиз бўйича 500 минг гектарлаб ер бузиб экилади. Неча ўн минглаб тонна сара уруғ, минерал ўғит, ёнилғи, ишчи кучи ҳавога учади. Ҳаммаси билмаслик, таваккалчилик ва яна маҳаллий раҳбарларнинг "экасан!" деган дағдағаси туфайли.

Бундай юмшоқ қилиб айтганда, кўр-кўрона иш юритиш бугун – бозор иқтисоди даврида кимга зараpу кимга керак? Қолаверса бундай зарарни фақат миллиардлар билан ўлчаш мумкин.

Кўзни қувонтириб униб чиққан ғўза ниҳолини совуқ уриб кетган деҳқонни учратганмисиз? Мен уни кўрганман, Янгийўлда, бундан уч йил илгари. Эсимда, у қовжираган ғўзани қўлига олиб қорайиб кетди. Меҳнатига куйиб йиғлади: "Ука, қачон биз ақл билан ишлашни ўрганамиз-а. Шу харажатни тежаб олимларга берайлик. Улар бизга вақтини айтсин, ўшанда тезгина экайлик. Э-э... Бу не кўргулик". Айтинг, деҳқоннинг гапида жон борми?

Қаранг, бу йил тағин заҳира учун уруғлик тайёрланаяпти. Демак, кўпчилик билади, далани бузиб қайта экишлар бўлиши мумкин. Бўлмаса, бу "запас" уруғликни келгуси йил учун сақлаш керак. Яна харажат, яна ташвиш...

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**махсус мухбири.**

*Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг*

## ҚАРОРИ

# 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада:

кўп укладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди;

ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 104,2 фоизни, саноатда 108,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 106,1 фоизни, чакана товар айланмаси 101,7 фоизни ва аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш 108,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг ўртача жон бошига даромадлари 12,6 фоизга ўсди. Ташқи савдода 276,4 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди;

қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасигача камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пасайди, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоиз миқдорида тақчиллик билан ижро этилди;

иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестиция жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда, юқори технологияларга асосланган ва рақобатбардошли маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришлар ишга туширилди;

иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик тартиботлари амалга оширилди;

давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиши камаймоқда;

корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валютани конвертациялаш ва сотиб олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида - қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишда, коммунал хизмат кўрсатишда ва умуман иқтисодиётда иқтисодий ислоҳотлар пала-партишлик билан амалга оширилмоқда, ҳали мантиқий якунига етказилмаган, бу эса амалда кўрилаётган чора-тадбирлар самарасини пасайтирмоқда.

Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқариш принципларига риоя этилмаяпти. Уюшма ва компаниялар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ҳамон аралашмоқда, турлича тартибга солиш ишларини давом эттиришмоқда.

Кўпгина корхоналар бозор шароитларига ва талабларига ниҳоятда сусткашлик билан мослашмоқда. Паст сифатли, талаб катта бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, бир қанча тармоқларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар улуши юқорилигича қолмоқда.

Ички бозорни сифатли, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш ниҳоятда қониқарсиз таъминланмоқда, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилган, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига барҳам берилмаган.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотлар якунларини танқидий кўриб чиқсинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар ҳал этилиши учун 2003 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар жамланадиган, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги пала-партишликни тугатиш ва, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кучайтириш;

хусусийлаштиришда расмиятчиликдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг устав сармоясида давлатнинг улушини тубдан қисқартириш, бошқарувнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш, акциялаштирилган жамиятни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, хўжалик бирлашмаларининг корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишини тугатиш;

қишлоқда бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасини кескин қисқартириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

солиқ-бюджет соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш;

республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишига йўл қўймаслик, товарларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда ички истеъмол бозори тўлдирилишини таъминлаш, савдони ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини таъминлаш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни давом эттириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстиришни рағбатлантириш бўйича яхлит тизимни яратиш;

қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлигини ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашини кучайтириш.

4. Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), бошқарувнинг тармоқ органлари раҳбарларининг эътибори хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар фаолияти, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслигига, корхоналарни акциялаштириш жараёнларига инвесторларни жалб этиш, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни танлаш ишларининг сустлигига қаратилсин.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларини амалга ошириш юзасидан комплекс амалий чора-тадбирлар кўрилишини;

хусусийлаштирилган корхоналар, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти устидан 2003 йилнинг биринчи чорагида мониторинг тизими жорий этилишини;

(Давоми 2-бетда)

# ИККИ МАКТАБ, ИККИ ХИЛ АҲВОЛ

***Бундай ўйлаб қарасангиз, фарзанд билан ниҳол ўртасида ўхшашлик бордай. Кимдир келажакда яхши ҳосил олишни ўйлаб ҳар бир кўчатни қалб қўри, меҳр зиёси билан парвариш қилади. Яна бошқа биров эса нима бўлса бўлар, дея ўз ҳолига ташлаб қўяди. Кимки меҳнатини аямай, дарахтни ўз вақтида парвариш қилган бўлса, доғда қолмайди.***

**ТАҚҚОС**

Қашқадарё ва Сурхондарёдаги айрим мактаб-интернатларда бўлганимда хаёлимдан беихтиёр шундай фикрлар ўтди. Нега мактабларда ўқитувчилар бир хил маош олишса, шароити ҳам унчалик фарқ қилмаса-да, йил якунига келиб натижалар ҳар хил бўлиб қолади? Бунинг сабаблари нимада? Айбни болалардан излаш керакми ёки муаллимлардан? Балки ўқувчиларни фанларга қизиқтириш кўнгилдагидек эмаслигининг бошқа сабаблари бордир?

Яхшиси, икки вилоятдаги икки интернатдан олган таассуротлар хусусида сўз юритайлик.

(Давоми 4-бетда)

**Д А В Р**

***"Одамлар ислоҳотлар учун эмас, ислоҳотлар одамлар учун хизмат қилиши керак". Президентимизнинг бу сўзлари ислоҳотларни кампания сифатида эмас, балки ҳар бир ҳудуд, ҳар бир жамоанинг шароитини иқтисодий молиявий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш лозимлигини қайта-қайта ёдга солади.***

# ИСЛОҲОТ – МАНФААТДОРЛИК ДЕМАК

Худди шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналиши бўлган мулкчилик шаклини ўзгартирилиши орқали янги хўжалик юритиш шаклларини ташкил этилишига мақсад сифатида эмас, балки мақсадга эришиш воситаси сифатида қаралиши лозим. Ўтган беш йил давомида республикамизда 1880 та жамоа хўжаликлари ширкатларга айлантирилди. Улар ичидан замон талаблари даражасида фаолият юрита олмаган 3 та хўжалик қайта ташкил этилиб, уларнинг ерлари фермер хўжаликларига бўлиб берилди.

(Давоми 3-бетда)

# "МИС"И ЧИҚҚАН ТАДБИРКОРЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154- сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан божхона ходимлари томонидан кенг миқёсдаги ишлар давом эттирилмоқда.***

Мазкур қарор бўйича аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, ҳамон бу борада қонунбузарликлар такрорланаётгани ачинарли ҳолдир.

**БОЖХОНА**

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ходимлари томонидан "Пойтахт-Сирғали савдо маркази"да тезкор текширув ишлари ўтказилиши натижасида айрим тадбиркорларнинг ноқонуний ҳаракатлари фош этилди.

Бу сафар ҳушёр божхоначилар диққатини бозор рўпарасида турган иккита "Дамас" русумли автоуловлар ўзига тортди. Комил Урушбоев ҳамда Даврон Муталовларга тегишли мазкур автоуловлар юкхоналари текширилганда, вазият бироз ойдинлашгандай бўлди. Аниқланишича, ушбу автоуловлар юкхоналари Тошкент шаҳар, Яккасарой туманида истиқомат қилувчи Марат Набеевга тегишли бўлган, Қозоғистон Республикасининг "PRG Bottitrs" очиқ турдаги акциoнерлик жамиятида ишлаб чиқарилган ичимликлар билан лиқ тўлдирилган экан.

(Давоми 2-бетда)

**БАНК ТИЗИМИ**

***Қадим ва навқирон Бухорода иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хориж сармояларини жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг дастлабки меваларини бермоқда.***

# "ЗУМРУТ" ҲАМКОРИ – ГЕРМАНИЯНИНГ "ГЕРМЕС"И

Жумладан, банклар ўз тузилмаларини тобора мустаҳкамлаб, иқтисодиётни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Буни "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Бухоро минтақавий филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Кун сайин ривожланиб бораётган молия бозорида ўз иш услуби ва тажрибасига эга бўлиб бораётган мазкур молия муассасасининг жойларда 4 бўлими фаолият кўрсатмоқда.

-Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, банк тизимини янада такомиллаштириш борасида жамоамиз ходимлари амалга ошираётган ишлар алоҳида ажралиб туради, - дейди "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Бухоро минтақавий филиали бошлиғи Асқад Турсунов. – Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкка жалб этиш мақсадида очилган кўплаб омонат турлари жудаям қўл келаяпти.

(Давоми 3-бетда)

# СОФ ОЛТИНГА "БИР ҚОП ПУЧ ЁНҒОҚ"

***Йўлда оддий деҳқон йигит билан суҳбатлашиб келдим. Гурунгимиз қизиб, дардини ёрди. Ўтган кузда ҳўкиз сотибди. Қўни-қўнжи тўла пул. Кун ҳам озгина совуқ.***

Ошхонага кириб, қизишибди. Кайфи чоғ. "Дўст-душманнинг ичида кийиб юраман, бир "кожинний куртка" олай" деб, тижорат бозорига борибди... Елкасида куртка. Ойнага қараса "қарсиллаган" йигит бўбди. Савдогар опа гир айланади:

**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

-Бу тоза мол. Асл теридан. Бунақасини тополмайсиз. Тошкентга молга кетаяпман. Ҳозир менга пул зарур. Ўз нархига бераман... Бир юз қирқ икки минг сўм. Тошкентдан ҳам бундан арзонга ололмайсиз...

Деҳқон йигит ҳўкизнинг пулидан 142000 сўмни нақд санаб берибди. Уйга келиб, дўсти билан ювибди ҳам. Икки ой ўтиб, қиш бошланиб, қор ёғиб, курткани кийиб, кўкракни кўтариб Термизга акасиникига борибди. Муҳандис акаси тушунтирибди. Куртка сунъий чармдан... 80000 сўмга бемалол топса бўлади. Деҳқон йигитнинг ичи куяверибди. Нима қилсин? На чек бор, на савдогар аёлнинг исмини билади? Орадан қанча вақт ўтган.

(Давоми 2-бетда)

**ҲИКМАТ**

**Борига қаноат**
**қил ва обод**
**яша,**
**Ғам бандидан**
**халос ва озод**
**яша.**
**Ўзингдан**
**баландни кўриб,**
**чекма ғам,**
**Сендан**
**камроқлар бор,**
**қара, шод яша.**

*Абу Абдуллоҳ*
***РУДАКИЙ.***

**КЕЛГУСИ СОНДА:** "БИР ДАРЁ БОР: ОҚАР, ТОШАР, ҚУРИМАС" | АФСУНГАР | САВДОДА ТАРТИБ БЎЛАДИМИ?

# 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

қимматли қоғозлар билан битишувлар фақат уюшган фонд бозорида тузилишини, савдоларнинг ошкоралиги ва қулайлигини назарда тутган ҳолда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил I ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини хўжалик бирлашмаларининг ишончли бошқарувига бериш амалиётини бекор қилувчи, ишончли бошқарувчиларни тайинлаш тартибини ва уларнинг масъулиятини аниқ тартибга солувчи, хусусийлаштирилган корхонани корпоратив бошқариш механизмини аниқ регламентловчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (Саидова):

Олий хўжалик суди (Абдусаломов) билан биргаликда Иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш ҳамда таркибий ўзгартириш бўйича қабул қилинган дастурни сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг реал секторларида молиявий аҳволни соғломлаштириш ишларини фаоллаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги ҳокимият органлари балансига бериш ва тасдиқланган таркибий ўзгартириш дастурига эга бўлган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини консервация қилиш, шунингдек зарар кўриб ишлаётган хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулкини баҳолаш механизмини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, бир ой муддатда шартномалар тузилиши ва аниқ субъектлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилиши ҳолати устидан пухта текшириб борувчи аниқ механизм барпо этилишини, уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга ўзгартиришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари барча даражаларда шартномаларнинг сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мавсум оралиғидаги даврда агротехника ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир илғор тажрибани ўрганиш учун фермерларни хорижий мамлакатларга юборишни амалда кенг қўлласин.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига паррандачиликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, тармоқ корхоналарининг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, озуқа базасини мустаҳкамлашни ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришни назарда тутсин.

10. Молия вазири М.Б.Нурмуродов бошчилигидаги махсус комиссия жорий йилнинг 15 апрелигача қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқсин, ўтказилаётган танлов савдолари натижаларини, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни харид қилишнинг шаклланган тизимини танқидий баҳоласин ҳамда ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

11. «Даврахитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тендер савдолари расмиятчилик билан ўтказилишини бартараф этишда, пудрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимида, ассортиментни янгилашда, маҳсулотнинг импортнинг ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ижобий силжишларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К.Н.Тўлаганов) бир ой муддатда капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг мўлжалланган параметрларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда айниқса газ ва сув қувурлари тармоқлари билан таъминланганлик даражаси паст минтақаларда уларни ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан реал молиявий манбалар билан таъминланган қўшимча чора-тадбирлар кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уйларни мукаммал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолоқликни тўлдиришни ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадвалнинг, уй-жой фондини табиий газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишининг олдини олиш масалалари бўйича Давлат божхона қўмитаси бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича улгуржи ва чакана савдони тартибга солишга, республика ҳудудида улгуржи базалар, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган қабул қилинган Ҳукумат қарорлари бажарилишини кўриб чиқсин ҳамда зарурат бўлганда тегишли тузатишлар киритсин.

16. Қуйидагиларнинг:

«Кўмир» акциядорлик бирлашмаси (Клименко), «Махсусқотишма» республика ташкилоти (Шарипов), «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Набиев), «Ўзкимёсаноат» (Ҳасанов), «Ўзбекнефтгаз» (Мажитов), «Ўзбекенгилсаноат» (Исмоилов) компаниялари раҳбарларининг эътибори - корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг йўқлигига, экспортга маҳсулот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмаганлигига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Тангирберганов), Андижон (Обидов), Бухоро (Хусенов), Наманган (Жабборов), Самарқанд (Мирзиёев), Тошкент (Мирзақулов), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Шоабдураҳмонов) ҳокимларининг эътибори - коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, қарзларни камайтириш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

17. Икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов бошчилигида республикада кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини барпо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Ушбу комиссия таркибига ўз ходимлари малакасини оширишдан бевосита манфаатдор бўлган уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишни таъминлаши мумкин бўлган ташкилотларнинг вакиллари киритилсин.

Комиссия:

икки ой муддатда кадрлар, энг аввало ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ва унинг самарали ишлаши юзасидан аниқ дастурни ишлаб чиқсин;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига Ўзбекистонда ҳозир бўлган йирик хорижий компанияларни ҳамда бошқа хорижий шерикларни, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг грантлари ва техник ёрдамини жалб этиш юзасидан фаол иш олиб борсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ахборот берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республика комиссияси ва минтақавий комиссиялар тузсинлар ва икки ой муддатда:

махсус ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида халқ таълими вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари ходимларини аттестациядан ўтказсинлар ҳамда аттестация натижаларига кўра уларнинг профессионал таркиби кучайтирилишини ва контракт асосида янги меҳнат шартномалари тузилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таълим ва касб даражасининг ўқитувчиларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари ва касб тайёргарлигини оширишлари учун шарт-шароитлар ва рағбатлар мавжудлигини ўрганиб чиқсинлар. Ўрганиш натижаларига кўра ҳар бир мактаб, туман ва минтақа бўйича вужудга келган аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

педагог кадрларнинг асосий фаолияти, қайта тайёргарликдан ва малака оширишдан ўтиши натижаларига кўра уларга тоифалар бериш механизми бўйича таклифлар киритсинлар.

19. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Кароматов), Ахборот-таҳлил бошқармаси (Хўжаев), «Ўзтелерадио» компанияси (Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Шоғуломов) мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида холисона, малакали ва чуқур ёритиш мақсадида:

ушбу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ходимларини ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб этсинлар;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ихтисослашаётган журналистлар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этсинлар, уларни тегишли статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар билан таъминласинлар.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Бегалиев), «Ўзагромашсервис» уюшмаси (Нишонов), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси (Матчонов) 2003 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса - ғалла ўрим-йиғим комбайнлари ва чорва озуқаси йиғиштириш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги экиш мавсуми бошлангунга қадар коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғўзани жойлаштиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ жорий йилнинг 1 мартигача юқори классли уруғлик чигит тайёрлаб қўйилишини ва уларнинг ўз вақтида сифатли дориланишини таъминласинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида ҳамда 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри
2003 йил 17 февраль



**Учқудуқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик сут заводи Исроил технологияси асосида жиҳозланган. Шу боис бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати юқори бўлмоқда.**
**СУРАТДА: Д.Янсанова.**

Ж.МИРЗАЕВ олган сурат.

## “МИС”И ЧИҚҚАН ТАДБИРКОРЛАР

(Боши 1-бетда)

Аммо, афсуски беш хил турдаги жами миқдори 1159 дона бўлган ушбу ичимликларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонуний олиб кирилганлиги ва божхона тўловларини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари сўралганда, фуқаро Марат Набеев бу товарларга ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмади.

Бундан ҳам ажабланарли ҳолат эса сал кейинроқ, яъни Давлат божхона қўмитаси Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган қўшимча тезкор тадбирлар натижасида ошкор бўлди. Юқорида таъкидланган ҳеч қандай ҳужжатсиз товарларни сақлаш мақсадида устаси фаранг бу кимса ўз қайнотаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой туманида истиқомат қилувчи С. Саидовнинг уйидан унумли фойдаланишга улгурган экан.

Текширишлар натижасига кўра, бу хонадонда ҳам Қозоғистон Республикасининг “PRG Bottitrs” очиқ турдаги акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 3 хил турдаги жами миқдори 1404 та ичимликлар мавжудлиги аниқланди. Агарда ушбу тадбиркор ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаб фаолият юритганида ҳозир нақд 1 миллион сўмдан зиёд пулига куйиб ўтирмаган бўлармиди? Начора, : “Сўнгги пушаймон ўзингга душман” деганларидек, энди ушбу «тадбиркор» учун пушаймондан сира наф чиқмайдиган кўринади. Негаки, ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Нурбек САЛОМОВ**

## СОФ ОЛТИНГА “БИР ҚОП ПУЧ ЁНҒОҚ”

(Боши 1-бетда)

Барибир тижорат бозорига борибди... Тижорат бозори ёпиқ экан... У нега алданди? Аёл асли савдогармиди ёки товламачи-фирибгармиди? Битта гўлликнинг баҳоси 60000 сўм турса-я?!

Ҳа, ҳаёт бу. Нима харид қилаяпсиз? Кимдан? Қандай харид қилаяпсиз? Аслми, сохтами? Рўпарангиздаги савдогарми, фирибгарми? Хушёр ва зийрак бўлмасангиз, товламачининг “сеҳри”га ишониб, оёғингиз лойда, тилингиз “вой”да қолиши ҳеч гап эмас. Минг афсуски, ҳали фирибгарлар анча-мунча учраб турибди. Ҳуқуқ органлари ходимларининг синчковликлари боис, фирибгарлар кўпинча, “сомонхона”дан нарига ўтолмаяптилар.

Мана, битта мисол...

Махфират Ангор бозорига кирди. Одамлар ғуж-ғуж. Оёқ босишга жой йўқ. Раста четида кексароқ, кўринишидан соддароқ аёл турибди. Бориб ниманидир сўради. Аёл хушмуомала экан. Гурунглари қўшилди-қолди. Гапга гап қўшилди. Дардлашишди, ҳазиллашишди, опа-сингилга айланишди. Гап орасида “олтиндан ясалган аёллар бўйнига тақадиган занжирсимон, “трос” сотишини” айтди. Икковлари бозор ораладилар. Тижорат бозорида Жабборова Муҳаббат билан савдолари қизиди. Махфиратнинг тилидан бол томарди:

-Вой, Муҳаббатжон, айланай сиздан, бунақасини дунёнинг ҳеч қаеридан тополмайсиз. Бу асл олтин! Энг тозаси! Жоним сизники, сингилжон! Яна арзон айтаяпман-а! Бунақа олтин “трос”ларни 300000 сўмга ҳам ололмайсиз... Бўйингизга қоқиндиқ бўлай, вой, фақат сиз учун бераяпман-да 250000 сўмга... Сув текин-а...

Махфиратнинг чеҳрасидан гўё нур ёғарди. Гул-гул очилиб сўзларди. “Трос”нинг баҳоси чиқди. Муҳаббат 200000 сўм нақд пул ва 50000 сўмлик “товар” берди. “Трос”ни бўйнига тақди. Неча бор ойнага қаради. Севинчи ичига сиғмайди. “Арзонгина олдим-а”. Қувонганидан елиб-югуради... Уйига етиб келиши билан яйради. Остонада туриб кўз-кўз қилди:

-Кўринг, ҳавас қилинг, олтин “трос” тоза олтиндан! Ёниб туришини кўринг! Ҳа-а-а!

Тақинчоқ қўлма-қўл бўлди. Ҳамма хурсанд. Кўзларда ҳавас... Ногоҳ кимдир... “Негадир олтинга ўхшамаяпти” деди. “Нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи?!” деди Муҳаббат... Заргарликни тушунадиган киши аниқ айтди. “Бу олтин эмас. Сохта...”

Муҳаббат товонигача музлаб кетди. “Наҳотки? Наҳотки?!” Кўзлари жовдирайди. Додини ким эшитади, ким?!

Худди шу пайтда Махфират Ангор туманидаги “Қорасув” жамоа хўжалигининг “Янгиобод” маҳалласида Аширова Шаҳар опани “сеҳрларди”.

-Опажоним, айланай сиздан, соф олтиндан бу “трос”лар. Соф олтин-а! Арзон бераман. Сиз менга ёқиб қолдингиз. Юзларингиз айтиб турибди, кўнглингиз тоза аёл экансиз. Учтасига етти юз эллик минг сўм беринг... ана, ўзининг нархи, манга ҳеч нарса қолмаяпти...

Шаҳар опа деди:

-Келинларимга обберсам, девдим-да. Нақд пулим ҳозир йўқ эди-да. Нима қилсам экан?.. Мана бу бўйнимдаги “тросим” беш юз минг сўм туради. Шуни “залог”га берсам... Сиз учта “трос”ни бериб кетсангиз...

Махфиратга жон кирди:

-Майли, опажон, майли. Сиздай инсонлар кам... Жонимни берсам арзийсиз. Ўргилай сиздан. Мана, олинг, учта “трос” буюрсин! Келинларингиз тўйларда тақиб юрсин!

Махфират Шаҳар опанинг бўйнидаги, таркиби 583 пробали, бозор нархида беш юз минг сўмлик, қимматбаҳо аёллар бўйин занжирсимон тақинчоғини “залог”га олиб, ўзининг бўйнига тақиб қўйди... Махфират бир зумда зим-зиё бўлди.

Ногоҳ Аширова Шаҳар опа 3 дона “трос”нинг тилла эмаслигини билиб қолди. Тўрт томонга чопди. Бақирди. Қарғади, йиғлади... “Дод” деди. Беш юз минг сўм кетди.

Махфират бир ой “ғойиб” бўлди. Ҳар томонга қулоқ тутди. Қандайдир сохта тилла тақинчоқлар ҳақида гап йўқ. Фирибгар аёл ҳақида миш-миш ҳам тарқалмади. Дунё ўзи билан овора. Махфират 2002 йил 20 август куни Шеробод автошоҳбекатида пайдо бўлди. Ёнида Лола исмли шериги. Уни ҳеч ким излаётган эмас. Бирон киши кузатаётгани ҳам йўқ. “Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаяпти. Осон текин пул топишни давом эттирса бўлади” ўйлади ўзича. Икковлон “Тико” кира қилиб, Термизга жўнашди. “Ҳаммаси жойида”.

-Жарқўрғонга ҳайданг, - деди таксичига. Киракаш “Тико”ни Жарқўрғонга бурди. Улар туман бозорига келишди. Чўнтакларида қалбаки тилла тақинчоқлар...

Махфират “Тико”да қолди. Лола деҳқон бозорига “ов”га жўнади. Кўп овора бўлмади. “Ўлжа” рўпарасидан чиқди. Мардонова Гулбаҳорнинг бўйнида тилла шарсимон мунчоқ! Ял-ял ёнади!

Лола икки дақиқада Гулбаҳорни “сеҳрлади”. Дунёда кам учрайдиган соф олтиндан ясалган, занжирсимон “трос”ни кўрсатди.

-Айланайин, Гулбаҳоржон, буни одамлар йиллаб излаб топишолмайди. Бахтингиз, олиб қолинг.

У Гулбаҳорга жуда ёқди:

-Вой-бўй! Соф олтин-а? Кўзимни ёндираяпти.

-Алмаштираман десангиз ҳам майли. Бу сизга жуда ярашади... – деди Лола айёрона кулиб, Гулбаҳорнинг бўйнидаги ҳақиқий олтин тақинчоқ Лоланинг бўйнида... Кўз очиб юмгунча Лола йўқ... Гулбаҳор дарвоза томон чопди. “Тико”нинг номерини эслаб қолди...

Икки аёл “қора курси”да ўтирибди.

Имомалиева Махфират Муллажоновна, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридан Чориминор кўчасидаги 95-уйда яшаган. Ёши 37 да. Кўзлари ерга қадалган. Фақат “Хато қилдим, адашдим, минг бор пушаймонман, кечиринглар” дейди. Оиласи, 3 та фарзанди бор. Туппа-тузук аёл қандай қилиб фирибгарлик йўлига ўтиб кетди, деб ўйга толасиз...

Мирзараҳимова Лола Якубжоновна, 26 ёшда. Бошини кўтаролмайди. Кўзларидан ёш қуйилади. Озгина олдин бу кўзлар нафс ва олтин ружусида “ёнаётганди”. У Навоий вилояти, Навоий туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги, “Азамат” маҳалласида яшаб келган. Лола “Айбдорман, учта ёш болам бор, гуноҳимдан ўтинглар, энди ҳалол яшайман, ишонинглар” деб зор-зор йиғлайди...

Қизириқ туман жиноий ишлар бўйича суди ўз ҳукмини чиқарди. Икки жиноятчи аёл айбларига яраша жазоларини олишди...

Хулоса шулки...

Жиноят эртами-кечми фош этилади.

Жарқўрғон бозоридаги Мардонова Гулбаҳорнинг хушёрлиги, дадиллиги, милицияга зумда хабар қилиши, ҳуқуқ ходимларининг тезкорлиги жиноятга нуқта қўйди...

Яна бугунги харидор “очиқ кўз” билан савдо қилмоғи даркор. Йўқса, қўлидаги “тилло”ни бериб, бир қоп пуч ёнғоқ билан қолади...

**Н.ҲАМРОЕВ,**
**Қизириқ туман прокурори,**
**Адлия кичик маслаҳатчиси.**
**М.ОЛЛОМУРОДОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ТАСОДИФНИНГ ИНЪОМИ

***Иштихон қишлоқларининг бирида яқинда рўй берган воқеа ҳаммани ҳайратга солди. Кўпкари бўлаётганди. Бундай пайтда улоқни Чортоқдан чавандозлар чопишадиган жойгача тракторда элтиш одат тусига айланган.***

Буни қарангки, ана шу вазифани бажараётган трактор лой аралаш музликда тойиб кетиб (бу фалокатга томошабинларнинг беparvolиги, лоқайдлиги ҳам сабаб бўлганлигини айтиб ўтиш ўринлидир) икки кишини уриб юборди. Уларнинг бири анча нарига отилиб кетади. Иккинчиси...

Тракторнинг олд ғилдиракларидан бири унинг оёғи устидан ўтиб кетди. Ғилдирак босиб ўтдими ёки ўнқир-чўнқирда кўтарилиб кетдими, иштирокчилар илғамай қолишди. Орқа ғилдираги эса жабрланувчининг биқини ёнида тўхтади. Одамлар тўпланишди. Биринчи жабрланувчи-трактор туртиб юборганида учиб тушган кишига ҳеч нарса қилмабди. Иккинчисини одамлар трактор тагидан тортиб олишди. Шу пайт у кутилмаганда ҳайдовчи томон юра бошлади. Эсанкираганидан қотиб қолган ҳайдовчи ҳам жабрланувчи томон одимлай бошлади. Ҳамма тракторнинг олдинги ғилдираги устидан ўтиб кетган кишининг ҳеч нарса бўлмагандай қадам ташлаётганидан ҳайратда эди. Ҳаммадан ҳам ажабланарлиси ҳали олдинда экан. Кутилмаганда айбдор ва жабрланувчи бир-бирини қучоқлаб йиғлай бошлашди. Бири:

-Отажон, сизни Яратганнинг ўзи асради, - деса, иккинчиси:

-Ўғлим, меҳрибоним! Худо, мени боласининг қотили деган таъна-дашном, исноддан сақлади, - дерди йиғламоқдан бери бўлиб.

Бу воқеа гувоҳлари ўша ҳодисани гапиришар экан, бир нарса устида кўпроқ баҳслашишади. Бировлар ҳалиги одамнинг оёғини шикастланишдан сақлаган нарса – унинг чавандозлик этиги деса, баъзилар қор-ёмғир ёғиб, ернинг бўшашганлигини сабаб қилиб кўрсатишади. Кекса отахонлар эса: “Қирқ йил қирғин келса ҳам, ажали етганлар ўлади, худонинг ўзи сақлади-да”, дейишади. Яна ким билсин?!

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## БЕДАНАНИНГ ҲАМ ЭРКАСИ БЎЛАДИ-МИ?

***Бедана, бедана сайра, бедана,***
***Сен каби хушовоз қайда, бедана!***

Қўшиқ ўйноқи, манзара гўзал. Тўрқафасларда бедана хониши ҳам авжида. Томошадан, оҳангдан дил яйрайди. Аммо ана шу беозор қушчанинг филникидек ташвиши борлигини кўпчилик билмайди. Аллақачон тўртта йигирмани уриб қўйиб, бешинчисини яримлатган Сафар тоға Данашев ҳикоя қилади: биринчидан, ўта нозик қуш. Тарбияси диққатни талаб қилади. Муомалада фақат хушилтифотликни ёқтиради. Фарзандларнинг эркасидек эркалиги юракка яқин бўлади.

-Беш-олти йил муқаддам ҳар жой, ҳар жойда 10-15 беданавоз тўпланар эдик. Ғиждувондаги қариялар чойхонасида кун-узун қовоғига термулиб турган пайтларимиз кўп бўлган, - у қўлтиғидаги халтачани илгак-бандакдан олиб, беданасини ҳаволатди. – Энг сайроқиси шу.

Дон-дуни меъёридан ошса, карахт ётаверади. Кўзлари чақнаб, зийрак турсин десангиз, кўпроқ бедор сақлайсиз. Урушқоқ бедананинг эса ўзига хос арзандалиги бор. Эртасига жангга қўйиладиган оқшом уйқунинг баҳридан ўтасиз. Тўрқафас билан орангиз икки қарич жой туради. Бедорлатиб тонг оттирасиз. Ана шу бедорликда ичи тоза бўлади. Ланжлик, карахтлик, оғирлик унутилади. У жангга ҳозирланаётганлигини сезади. Ғолибликдан кейинги рағбат ҳам унинг рефлексида бор бўлади, албатта. Жангдан кейинги тановвули зўр бўлади. Икки-уч кун маст сайрайди.

Эҳ, жангари беданаларнинг сакраб тепишишларини кўрмагансиз-да! Қочиргандан кейинги завқни кўрсангиз эди. Ғалаба нашидасига қўй сўй, десалар ҳам сўйворасиз.Боққандан, кутгандан, соатлаб термулиб овозсиз гаплашгандан сўнг беданангиз ютса – хуш ёқади-да!

Сафар тоға беданани ушлаб кўришга қўймади. “Бегона қўлнинг заҳри бор”, деди у. Хафа бўлганим йўқ. Аксинча, бу ошуфталикдан қувондим. Беданага узоқ-узоқ тикилиб муштдеккина бу гўзал миттивойнинг ички қудратига ҳайрона-ҳайрона Сафар ота билан хайрлашдим. Ҳали йигитлардек қадди тик, гавдаси ўктам отанинг чеҳраси хушхон эди. У янги ҳавасмандни яна келишга такрор-такрор таклиф этиб, 5-10 қадам кузатиб ҳам қўйди. Орқадан бедана сайраганини эшитдим. Бу сайроқ ҳам ўзига хос “яна келинг” эди, назаримда.

**Жаббор МУРОДОВ**

## ДУО

***Бекатда анча вақтдан буён транспорт кутиб турган бир мўйсафид чол диққатимни тортди. Ёши камида тўқсонларда. Бели, оёғи оғриётганлигидан бир қадам ташлашга безиллаб, дуч келган енгил машиналарга қўл кўтаргани-кўтарган. Кошки, уларнинг бирортаси тўхтай қолса.***

Унинг ҳолатини кўриб, тўғриси раҳмим келди.

“Бирор зарур иши бордирки, кўчага чиқишга мажбур бўлгандир”, дея ҳаёлимдан ўтказиб, отахонни бекатдаги ўриндиқлардан бирига ўтқазиб қўйдим, машина тўхтаса чақиришимни айтдим. Йўқ, отахоннинг сабри чидамади. Яна кўча юзига яқинроқ келиб, энди жаҳли чиққанидан қўлини, қўшиб ҳассасини ҳам кўтара бошлади. Бу ҳолатни кузатиб турган чиройликкина, жуда дид билан кийинган, лабларини худди гилосдек қизартириб олган қиз киноя билан кулиб чимирилди.

Ниҳоят дилига худо инсоф солдими, чўғдек ёниб турган “Нексия” отахоннинг ёнида енгилгина тўхтаб, бир хушрўй йигит одоб билан эшигини очди-да, кўзидан кўзойнагини олди.

Отахонга эътибор ҳам бермай, сарвқомат қизни ўтиришга таклиф қилди. Қиз ноз билан олдинги ўриндиққа ўтириши билан шамолдек учишга шошди-ю, ҳали бир оёғини ҳам қўйишга улгурмаган отахонга қараб, киноя билан деди:

-Узр бобой, шошиб турибман.

-Атайлаб тўхтадинг-ку, болам, бир киши олдинг нима, икки киши олдинг нима, олиб кета қол, бир дуо қиламан.

-Дуо-пуонгизни билмайман, тушиб қолинг дедим-ку сизга.

Чол ўтирган жойидан инқиллаб тушишга мажбур бўлди, дили ранжиб, мулзам бўлди. Машина эса бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

“Манзилингга етмагин-а...” Отахон оёқларининг оғриғига чидай олмай дилидагини тилига чиқариб юборди. Бу нидони эшитиб, сесканиб кетдим. Орқамга қарай-қарай, бир бекат юрганимни биламан, ҳайратдан ёқа ушладим. Не кўз билан кўрайки, ҳалигина яраклаб турган “Нексия” пачақланиб кетган, ҳолда йўл четида турарди.

**Анора КАРИМОВА**

# ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА

МУАММО

***Олот туманида 735 та фермер хўжалиги мавжуд. Сон кўплиги яхши, аммо натижалар кўнгилдагидек эмаслигидан дил ранжийди. 2002 йил натижаларига назар солсак, пахтачилик билан шуғулланган 572 та фермернинг барчаси ҳам шартномани бажаришмади. 3337 гектар чигит экилган майдондан 6943 тонна паха топширилди. Бу кўзланган режанинг 72,4 фоизига тенг. Маълумотларга назар ташласангиз, режани ора йўлда қолдирганлар орасида ҳатто бирор килограмм пахта топширмаганлари ҳам учрайди. Улар сони йигирматани ташкил этади.***

Таажжубки, қолоқ фермерлар билан суҳбатлашсангиз, ҳеч бири ўз айбини, деҳқончилик илми тажрибасидан йироқлигини тан олгиси келмайди. Аксинча, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги, сув, техника таъминоти ночорлигидан арз-дод қилишади. Албатта, биз ҳам юз фоиз фермерлар ноҳақ дейиш фикридан йироқмиз. Чунки туманнинг ер шароити оғир ва бу бор гап. Қирлишон, Қизилқалъа, Оқпартов, Ардал массивларида энг катта муаммо сув эканлиги ҳам сир эмас. Бу чексиз жойларга техника олиб бориш ҳам осон кечмайди. Қисқаси фермерларнинг ўз юкини кўтара олмаётганликларига ички ва ташқи омиллар ҳам сабаб бўляпти.

Келинг, "Ўзбекистон" хўжалиги ҳудудидаги фермер хўжаликлари фаолияти мисолида таҳлил этайлик. Туман мутахассислари ўтказган якуний ҳисоб-китобларга кўра бу ерда ютуқлардан кўра, камчиликлар, муаммолар кўплиги аён бўлди.

Ўтган йили пахта етиштириш бўйича шартнома тузган 36 та фермер хўжалиги кўзланган 606 тонна ўрнига 344 тонна ҳосил етиштирдилар. Режа зўрға 56,8 фоизга етди. Фермерларнинг эса 24 таси ора йўлда қолди. "Аскар Чори", "Ноила" фермер хўжаликларининг шартнома режалари юз фоиз қоғозда қолиб кетди. Бу икки фермер ҳисобига қарийб 39 тонна топширилмаган пахта, демакдир. "Малоҳат" фермер хўжалиги 25 тонна ўрнига атиги 800 килограмм пахта топширган, холос. "Ш.Рустамов", "Дурсултон момо", "Саид Норбой", "Сардоробод" каби фермер хўжаликларида мўлжалнинг учдан бири ҳам уддаланмагани ачинарлидир.

Одатда эртасини ўйлаган киши бугунги нуқсонлардан ўзига тегишли сабоқ чиқаради. Афсуски, кўпгина фермерлар "Бугун ўтсин, эртага бир гап бўлар" қабилида иш тутишмоқда. "Ўзбекистон" хўжалиги ҳудудидаги фермерлар 2003 йил учун 168,8 гектар ерга буғдой, 276,1 гектар ерга эса пахта экишлари лозим. "Шавкат" фермер хўжалиги (соҳиби Ш.Каримов) мавжуд 11,8 гектар майдоннинг 8 гектарига кузги дон экишни режалаштирган. Аммо амалда 9,8 гектар ерга уруғлик сочган. Оқибатда чигит экиладиган майдон ўз-ўзидан 1,8 гектарга камайган. "Ҳамза" фермер хўжалигида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Оқибатда пахта экилиши керак бўлган 1,15 гектар ер белгиланмаган мақсадларда фойдаланилган. Ердан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, уни қаровсиз қолдириб, мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиришга йўл қўйилаётганлиги ҳам бор гап. Яна бир оғриқли нуқта - "Ер тўғрисида"ги ва "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонунларни билмаслик. Ҳолбуки, фермерларга ер ширкат хўжаликлари томонидан ижарага берилган. Уни назорат қилиш, сурункасига уч йил ҳосилдорликни пасайтирган фермер хўжаликлари билан тузилган шартномани бекор қилиш ҳуқуқи ширкат хўжаликлари ихтиёрида. Лекин "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида иш тутиш оқибатида кўплаб фермерлар билиб- унумдор ерларни ишдан чиқаришяпти, ҳосилдорликни пасайтириб юборишмоқда. Демак, шу пайтгача йўл қўйилган хатоларга энди барҳам бериш лозим. Шу мақсадда туман ҳокимлиги режани сурункасига уддаламаган фермерлар билан суҳбат ўтказди. Ҳақиқий аҳвол ўрганилди, талаб-истаклар инобатга олинди. Ночор аҳволга тушиб қолган фермерларнинг бир қисми синов учун муҳлат сўрашган. Ким билади, уч-тўрт йил ичида елкасидаги юкни торта олмаган кишилар бир йилда ўз фаолиятида туб бурилиш ясай олишармикан? Албатта, буни вақт кўрсатади.

Юқорида айтганимиздек, туманнинг чўл ҳудудидаги экинзорлар фермерлар ихтиёрида. Уларни қишда ҳам, ёзда ҳам қийнаётган катта муаммо сув етишмаслигидир. Тумандаги "Амударё" хўжалигида фермерларнинг сувдан фойдаланиш уюшмаси (СФУ) тузилгач, кўплаб муаммолар ўз ечимини топди. Демак, барча ҳудудларда ҳам ана шундай СФУларни тузиш вақти аллақачон етди. Бу ҳақда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг тегишли мутасаддилари жиддий бош қотиришлари керак. Фермерлар кўпчилиги туман машина-трактор парки акционерлик жамияти кўрсатётган техника хизматидан ҳам норози эканлигини айтишади. Чунки жамият раҳбарлари фермерларга техникадан кўмаклашишга бир қатор аниқ, қатъий амал қилинаётган иш тизимига эга эмас. Шунинг учун улар вақт йўқотиб сарсон бўлишади. Бу ҳақда жамият раҳбари А.Сатторов чуқурроқ ўйлаб кўрса, ёмон бўлмасди.

Ишидан, унга аъзо бўлганлар қониқмаётган бир ташкилот ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтмоқ жоиз. Бу деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллигидир. Уюшмага аъзо бўлган, аммо аъзолик бадалларини тўлаб туриб, бу ташкилотнинг вазифаси нима эканлигидан бехабар бўлганлар ҳам бор. Масалан, фермер Рўзиқул Муродов биз билан суҳбатда аччиқ ҳақиқатни айтди-қўйди:

-Уюшма бизга ёрдам берадими-йўқми? Акс ҳолда бу идоранинг нима кераги бор?

Чиндан ҳам уюшма фермерларга чинакам қўл-қанот бўлганда эди, муаммолар аллақачон ўз ечимини топарди. Афсуски, у бунга қодир эмас. Сабаби, уюшманинг ўзи ёрдамга муҳтож. Қўлида на бирор техникаси, на харажатга етгулик маблағи, на талашиб-тортишиб гап ўтказгулик мавқеи бор.

-Ҳар томонлама қийин аҳволдамиз, - дейди уюшма вакиллиги директори Фарҳод Рўзиев. – 321 та фермер хўжалиги уюшмамизга аъзо. Уларнинг ҳам барчаси ўз вақтида аъзолик бадалларини тўлашмайди. Ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит тақсимоти билан шуғулланамиз. Шунинг учун фермерлар ноилож келиб-кетишади.

Аслини олганда уюшма, ижобий маънода, умум манфаат йўлида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан рақобатда ишлаши лозим. Олот туманидаги фермерларни бирлаштирган идора эса том маънода бошқарма измида юрибди. Оқибатда фермерлар овораю сарсон. Қани энди республика деҳқон ва фермерлар уюшмаси Олот туманидаги ўз вакиллигининг фаолиятини чуқурроқ таҳлил этса, унинг нуфузини кўтаришга амалий кўмак берса, вакилликнинг фермерларга ҳуқуқий жиҳатдан тиргак бўладиган идорага айланишига кўмаклашса. Ана шунда фермерларнинг пахта ва дон хирмонлари кўзланганидан ошган бўларди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ислоҳотларнинг бориши ҳақида куюниб гапирдилар. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йўл қўйилган камчиликлар, муаммолар ечими атрофлича таҳлил қилинди. Ўзини билган раҳбар Президентимизнинг бу сўзларидан тегишли хулосалар чиқармоғи лозим. Акс ҳолда бармоқ тишлаб қолиш давом этаверади. "Гапни гапир уққанга", деб бежиз айтишмаган, ахир.

**Ботир ЖУМАЕВ,**
**Дилмурод ЖАББОР.**

# ИСЛОҲОТ – МАНФААТДОРЛИК ДЕМАК

**(Боши 1-бетда)**

Ширкат хўжаликларига айлантиришнинг асосий талабларидан бири бўлган аъзолар ўртасида хўжалик мулкини тақсимлаш асосида 1998-2002 йиллар мобайнида ташкил этилган 1880 та ширкат хўжаликларидан бугунги кунда 1877 таси фаолият кўрсатмоқда.

Меҳнат меъёрлари асосида ширкатларга аъзо сифатида 1432,9 минг киши қабул қилинди, 398,4 минг киши қисқартирилди. Ушбу хўжаликларда 46,7 миллиард сўм миқдорда устав жамғармаси аниқланиб, аъзолар ўртасида мулкий пай сифатида унинг 27,9 миллиард сўми ёки 60 фоизи тақсимланди. Ўртача бир аъзога тўғри келадиган мулкий пай қиймати 19463 сўмга тенг бўлмоқда.

Савол туғилади, бугунги кунда мулкий негизи ўзгартирилиб, ширкатларга айлантирилган хўжаликларнинг барчасида ишлар қандай ташкил этилмоқда, мулкий ислоҳотлар ҳукуматимиз қўйган ва талаб қилинаётган натижаларни беряптими? Афсуски, ҳамма жойда ҳам талаб даражасида эмас. Нимага? Бу саволга тўла-тўкис жавоб бериш қийин.

Ширкат хўжаликларида манфаатдорлик етарли даражада эмас. Масалан, 1999 йил якунлари билан 966 та ширкат хўжаликларидан 40,6 фоизи ўз аъзоларига мулкий пайларига мутаносиб равишда дивиденд ажратганлари ҳолда, бу кўрсаткич 2000 йил якунлари бўйича 30 фоизга, 2001 йил якунлари бўйича 34,4 фоизга тушиб қолган. Аввало, барча ширкат хўжаликларида ҳам аъзоларнинг мулкий манфаатдорлигини амалда таъминламаяпти, сўнг мулкий пайларга мутаносиб ҳолда ажратилаётган дивидендлар миқдори жуда кам.

Раҳбар ва мутахассислар орасида жамоа мулкини аъзоларга бўлиб бердик, шу билан ислоҳотлар бўйича қўйилган вазифаларни бажардик, деб юрганлари ҳам йўқ эмас. Улар ҳар қандай мулк ўз соҳибига даромад келтирган тақдирдагина ҳақиқий мулкка айланишини унутишган кўринади.

Ширкатларга айлантирилган хўжаликларнинг мутлоқ кўпчилик қисми аъзоларига дивиденд бермаётганлиги бу жараёнда маълум жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигидан далолатдир. Масалан, 1999 йилда 571 та ёки жамига нисбатан 59,4 фоиз, 2000 йилда 1229 та ёки 70 фоиз, 2001 йилда 1225 та ёки 65,6 фоиз ширкат хўжаликлари аъзоларига дивиденд ажратмай мулкий манфаатдорлигини пасайишига сабабчи бўлганлар. Бундай ҳолатда қайси аъзо мулкий улушингиз қанча, деган саволга аниқ жавоб бериши мумкин?..

Республика ширкат хўжаликларида ўртача битта аъзо ҳисобида 1999 йил якунлари бўйича 3824 сўм дивиденд берилгани ҳолда, бу миқдор 2000 йил якунларида 4542 сўмга ҳамда 2001 йил якунлари бўйича эса 8258 сўмга тенг бўлган.

Албатта, дивиденд берилгани яхши, лекин бугунги нарх-навога кўра йил якуни билан бундай кам миқдорда дивиденд олган киши ўзларини мулкдор деб ҳис этармикан? Бу аҳволда ширкат усулида ишлаш ўзини оқлармикан деб ўйланиб қоласан!

Ўз ишининг фидойиси бўлган раҳбарлар бошқараётган ва тажрибали мутахассислари ишлаётган айрим ширкат хўжаликлари фаолиятини ўрганиб, уларда эришилаётган ижобий натижаларни кўриб бундай хаёлларга боришга асос йўқлигига иқрор бўламиз.

Масалан, Қашқадарёдаги "Жейнов" ширкат хўжалигини олайлик. Жамоа 1999 йилда ширкатга айлантирилиб, унга 1032 киши аъзо сифатида қабул қилинган. Айниқланган 114,6 миллион сўми пай жамғармасига ўтказилиб, ўртача битта аъзога 66,635 сўмлик мулкий пай тақсимланган.

Ўз-ўзидан кўринмоқдаки, ушбу хўжаликда битта аъзога тақсимланган ўртача мулкий пай қиймати республика кўрсаткичидан 3,5 баравар юқоридир. Хўжаликда узоқ йиллар давомида меҳнат қилиб келган тажрибали аъзоларнинг мулкий улушлари 300-450 минг сўмгача боради. Хўжаликда ерлардан фойдаланиш даражаси ортиб бораётганлиги натижасида 1 гектардан олинадиган даромад муттасил кўтарилиб борган. Жумладан, 2000-2002 йилларда ҳосилдорлик ғаллачиликда 29,9 центнердан 55,2 центнергача, пахтачиликда 30,2 центнердан 32,9 центнергача кўтарилган. Натижада 1 гектардан олинган даромад ғаллачиликда 4,4 марта, пахтачиликда эса 3,2 марта ошган. Бу республика кўрсаткичига нисбатан 1,6 марта юқоридир.

Табиий равишда савол туғилади, хўжалик ер майдонлари шунчалик унумдорми?

Ўзаро таққослаш билан қўйилган саволга жавоб топиш мумкин. Республика бўйича суғориладиган ер майдонлари бонитети ўртача 55 балл бўлса, Қашқадарё вилоятида ўртача 51 баллга, Жейнов хўжалигида 49 баллга тенгдир.

"Жейнов" ширкат хўжалиги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган бўлиб, жами 3900 гектар экин майдонининг 97,2 фоизи ушбу экинлар билан банд. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошиши натижасида уч йилда хўжаликни умумий даромадини 545 миллион сўмдан 1,8 миллиард сўмгача ёки 3,3 марта, ўз навбатида йиллик фойдани 167 миллион сўмдан 805 миллион сўмгача ёки 4,8 мартага ортиши таъминланган. Йилни мунтазам равишда фойда билан якунлаган ширкат ҳар йили аъзоларига дивиденд кейинги уч йилда 0,32 сўмдан 0,83 сўмгача кўтарилган.

Аъзоларнинг катта миқдорда дивиденд олаётганлигини кўрган фуқаролар ширкатга ўз ёнларидан бадал киритиб, аъзо бўлмоқдалар. Кейинги уч йилда 221 киши 7,2 миллион сўм бадал тўлаб аъзоликка қабул қилинган. Бу республикамизда жуда кам учрайдиган ҳолатдир!

Ўз аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 2001 йил якунлари бўйича берилган дивидендлар ҳисобига тўланиши лозим бўлган 15 фоизлик даромад солиғининг 5 фоизини хўжалик ўз фойдаси ҳисобига қоплаб берган. Демак, аъзолар маълум бир миқдордаги солиқ юкидан озод бўлганлар. Масалан, ширкат аъзоси бўлган Мўминова Гулчеҳра 224 минг сўмлик дивиденд ҳисобидан 33,6 минг сўм ўрнига 22,4 минг сўм даромад солиғи тўлаган, қолган 11,2 минг сўмини хўжалик қоплаб берган.

Мулкдан ана шундай манфаатга эга бўлган қайси аъзо ўз мулкий пайини билмаслиги мумкин? Аксинча, уни янада кўпайтириш ва мулкдан самаралироқ фойдаланиш тўғрисида бош қотириши табиий ҳолдир. Демак, қаердаки манфаатдорлик етарли даражада таъминланган бўлса, ўша жойда ислоҳот бўлади! Акс ҳолда жавоби оғир саволлар кўпаяверади.

**Эркин ЮСУПОВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**



**Техникаларини ўз вақтида тайёрлаб қўйган жамоа экиш мавсуми бошланганда шошиб қолмайди. Буни яхши англаган Сирдарё туман машина-трактор парки ходимлари бугунги кунда 82 та чигит экиш воситаларини созлаб қўйишди. Ҳар бир агрегатни таъмирлашга эса 200 минг сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди.**
**СУРАТДА: МТП раҳбари О.Беккулов муҳандис Р.Очилов билан.**
**А.ЭРГАШЕВ олган сурат.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## КЎРФАЗГА ЯНГИ ҚЎШИНЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

***АҚШ мудофаа вазирлиги Форс кўрфазига яна 28 минг аскар юборилишини маълум қилди. У ҳолда март ойига қадар айни пайтда кўрфазда турган Американинг 182 минг кишилик армиясининг сони 200 мингга етади.***



Шунингдек, минтақага 5200 кишилик ўта тез ҳаракат қилувчи махсус бўлинма ҳам юборилиб, ундан ҳужум ва мудофаага доир операцияларда фойдаланилади. Таркибида 300 дан ошиқроқ зирҳли машиналар ва 80 га яқин самолёт ва вертолётлар бўлган мазкур бўлинмадан 1991 йилги Форс кўрфази урушида ҳам фойдаланилган эди.

Кеча эса Вашингтонда президент Жорж Буш ва НАТО бош котиби Жорж Робертсонларнинг ўзаро учрашувлари бўлиб ўтди. Унда НАТОнинг эҳтимолли дея айтилаётган Ироқ урушида Қўшма Штатларга кўрсатадиган ёрдамлари ҳақида гап борди.

## БЛИКС ВА БАРАДЕЙ МУКОФОТ ОЛИШЛАРИ МУМКИН

***Куни кеча халқаро Нобель мукофоти қўмитаси бу йилги номзодлар рўйхатини эълон қилди.***



Унга кўра, 1 февралга қадар мазкур мукофотга шахсий равишдаги талабгорлар сони 129 нафарга, ташкилотлар сони эса 21 тага етган. Нобель мукофотининг тинчлик йўлидаги хизматлари учун бериладиган соврини бу йил БМТ инспекторлари раҳбари Ханс Бликс ва атом энергетикаси бўйича халқаро ташкилот (МАГАТЭ) бошлиғи Муҳаммад ал-Барадейларга берилиши мумкин. Лекин, бунинг учун Бликс ва Барадейлар Ироқ урушининг олдини олишлари ва муаммонинг тинч йўл билан ҳал этилишига эришмоқлари лозим. Улардан ташқари Тинчлик йўналиши бўйича турган номзодлар орасида Рим папаси Иоанн Павел II ва ўлим жазосига ҳукм этилган 150 нафар маҳбусни авф этган АҚШнинг Иллинойс штати собиқ губернатори Жорж Райанлар ҳам бор. Ўтган йили эса бу мукофот АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картерга насиб қилган эди.

## ЁНҒИН ҚУРБОНЛАРИ

***Ўтган сешанба куни Жанубий Кореянинг Тэгу шаҳридаги метро станцияларидан бирида юз берган ёнғин туфайли ҳалок бўлганлар сони ҳозирча 53 кишини ташкил этмоқда.***



Лекин, 150 нафардан ошиқроқ йўловчиларнинг бедарак йўқолганлиги ҳисобга олинса, бу рақам яна ошиши мумкин. Полициянинг билдиришича, Чхон Ан Ро бекатига 6 та вагонли поезд келиб тўхтаганида спорт кийимида бўлган бир киши вагонлардан бирининг ичига бензин солинган идиш (канистр)ни улоқтириши боис, ёнғин юз берган вақтда қарама-қарши томондан бошқа бир поезд ҳам бекатга етиб келган эди. Шу сабабли ҳам талафот анчагина жиддий бўлган. Жиноятчи, 56 ёшли Ким Хо эса қочишга ҳаракат қилганида полиция томонидан ҳибсга олинган. Ҳозир унинг ўзи ҳам ёнғин туфайли куйганлиги учун шифохонага ётқизилган. Манбаларга кўра, 2001 йил бош қисмидан жароҳат олган Ким Хо 2-гуруҳ ногирони бўлиб, руҳий хаста саналар экан. Мамлакат президенти Ким Дэ Чжун эса марҳумларнинг оилаларига ҳамдардлик билдириб, фожиа сабаблари синчковлик билан текширилиши кераклигини айтган.

## ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

***Ғазо секторига Исроил танклари, вертолётлари ҳамда пиёда аскарларининг кириб келишлари боис, фаластинликлар билан икки ўртада кучли тўқнашувлар давом этмоқда.***



Кўрганларнинг гувоҳлик беришларича, 40 дан ортиқ танкларни ҳаводан туриб ракета ҳужуми билан вертолётлар қўллаб турибди. Ҳозиргача фаластинликлардан 7 киши ҳалок бўлган ва 20 га яқини жароҳатланган. Аммо ушбу қон тўкилишларига қарамай, Фаластин Мухторияти ички ишлар вазири Хани Аль-Хассан икки ўртадаги хавфсизлик масаласи бўйича учрашув ўтказиш лозимлигини билдирди. Ундан аввалроқ эса Исроил мудофаа вазири Шауль Мофаз Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторида ўз аскарлари томонидан қамал қилинган ҳудудларни озод этиш бўйича буйруқ берган. Ушбу ҳафта аввалидан бошлаб эса 20 минг атрофидаги фаластинлик ишчиларга Исроил ҳудудларига ўтишлари учун рухсат ҳам берилди.

## РОССИЯНИНГ ҲАРБИЙ ЭКСПОРТИ

***Ўтган 2002 йилда Россия Федерацияси 4,8 миллиард АҚШ долларилик қурол ҳамда ҳарбий техникаларни хорижга экспорт қилган.***



Бу режадаги 4,5 миллиард доллардан ҳам кўп демакдир. Хорижий давлатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилувчи қўмита раисининг ўринбосари Александр Денисовнинг айтишича, бу борада "МиГ" самолётсозлик корпорацияси ва "Рособоронэкспорт" ташкилотининг улушлари юқори бўлган. Россия қурол-аслаҳаларининг асосий харидорлари Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари бўлиб, 2002 йилда Хитой ва Ҳиндистонга "Су-30" қирувчи самолётлари сотилган. Хитойликлар шунингдек, 8 та дизелли сув кемаси ва 2 та эсминецни ҳам харид қилганлар. "МиГ" корпорацияси эса Судан давлатига ўзининг қирувчи учоқларини етказиб берган.

## ТАБИИЙ ОФАТ ХУРУЖИ

***Покистон жанубида юз берган кучли ёғингарчилик боис, 46 киши ҳалок бўлди. Сўнгги 5 йил ичида энг кучли ёмғир ёғиши, дея айтилган ушбу табиий офат одамлар уйларининг бузилишига, уларнинг кундалик турмушларининг оғирлашишига сабаб бўлди.***



Шунингдек, 100 дан ортиқ кишилар турли кўринишда жароҳат олганлар. Ҳалок бўлганларнинг айримлари уйларнинг қулаши, айримлари тошқин, айримлари электр симининг узилиши ва ток зарби туфайли ҳаётдан кўз юмдилар. Йўлларда транспорт ҳаракатлари издан чиқиб, автоҳалокатлар кузатилди. Биргина, Исломобод шаҳрида 156 мм.гача ёмғир ёққан бўлса, бу кўрсаткич мамлакатнинг шимоли-ғарбида 200 мм.гача бориб етган. Бундан ташқари кучли ёмғир Ҳиндистон ва Афғонистонга ҳам қисман зарар келтирган.

**ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинди.**

# "ЗУМРУТ" ҲАМКОРИ – ГЕРМАНИЯНИНГ "ГЕРМЕС"И

**(Боши 1-бетда)**

Республикамиз Президентининг қатор фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида банк соҳаси ходимлари олдига тизимни ислоҳ қилиш, соғлом рақобатни йўлга қўйиш, пировард натижада мамлакатимиз иқтисодиёти, кишилар турмуш фаровонлигини ошириш вазифалари қўйилган. Бу бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди.

Чиндан ҳам бу банкда юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам исботлаб турибди. Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига кўра банк томонидан 14573 миллион сўм кредит ажратилган. Унинг 1284,4 миллион сўми тадбиркорлар учун ажратилган кредитлар ҳисобига тўғри келади. Кредитнинг, яъни 10594 миллион сўми саноат корхоналарига, 1856 миллион сўми қурилиш корхоналарига, 418 миллион сўми савдо корхоналарига, 1077 миллион сўми қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланишига, 453 миллион сўми эса транспорт корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Ана шу кредитлар туфайли кўплаб тадбиркорлар ўзларининг молиявий фаолиятларини яхшилаб боришаяпти. Филиал томонидан қишлоқ хўжалик ташкилотлари ҳисоб-китоблари транш махсус ҳисоб варақалари орқали олиб борилиб, доимий мониторинг ўрнатилган. 2002 йилда 41 та "Пахта" ва 22 та "Ғалла" траншлари ўрнатилган тартиб-қоидалар асосида мақсадли ўтказилганлигининг ўзи ҳам эътиборга моликдир. Тўловларнинг кечиктирилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Иқтисодиётнинг хусусий сектори ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда банк кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда изчил йўл тутмоқда. Ўтган йил 1155 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатилди. Шунинг 238 тасини деҳқон ва фермер хўжаликлари, 415 тасини кичик корхона ва хусусий фирмалар, 502 тасини эса юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар ташкил қилди. 2002 йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 1284,3 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Эътиборга молик томони шундаки, кредитларнинг асосий қисми, яъни 1242,3 миллион сўми банкнинг ўз маблағи ҳисобидан йўналтирилди. Шунингдек, 2002 йилда 94 нафар тадбиркорга 550,4 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган.

Банкда кредитларнинг мақсадли сарфланиши ва қарзларнинг ўз вақтида қайтарилиши қатъий назорат қилинади. Кредит қўйилмалари таҳлили бўлими ҳар ойда инвентаризация ўтказиб туради. Ажратилган кредитлар устидан кунлик мониторинг ўрнатилган. Мижозларнинг молиявий кўрсаткичлари юзасидан тезкор ахборотлар тайёрланади. Зарур ёрдамлар уюштирилади. Мижоз билан банк ўртасида тўхтовсиз алоқа мавжуд. Бунда айниқса, компьютер ва бошқа замонавий воситалар қўл келмоқда.

Минтақавий филиалда 2003 йил 1 январ ҳолатида 33 та экспорт шартномаси рўйхатга олинган бўлиб, унинг умумий қиймати 45409,6 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йил давомида 4259,8 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот четга чиқарилди. Натижада 4059,8 минг АҚШ доллари миқдорида тушум келиб тушди.

2003 йил 1 январ ҳолатига кўра жами 85 та импорт шартномаси рўйхатга олинган. Унинг умумий қиймати 49530,0 минг АҚШ долларини ташкил қилди. 2002 йил давомида импорт шартномалари асосида 7033,6 минг АҚШ долларига тенг қийматдаги маҳсулотлар олиб келинди. Ушбу шартномалар бўйича 2003 йил 1 январ ҳолатида дебиторлик қарзи йўқ.

Минтақавий филиалга қарашли Тўқимачилик, Коган ва Қоровулбозор филиаллари қошида валюта айирбошлаш шохобчалари ишлаб турибди. Мазкур шохобчалар томонидан ўтган йил давомида 23530 АҚШ доллари сотилди. Барча валюта айирбошлаш шохобчалари ягона компьютер тармоғига уланди.

Тизимда фаолият кўрсатаётган ёш кадрларнинг билим ва малакаларини ошириш учун улар доимий равишда ўқув марказларига жўнатиб турилади. Шунингдек, бу ерда тадбиркорлар бурчаги ташкил этилган бўлиб, у ишбилармонлик билан шуғулланишни дилига тукканлар учун керакли ҳужжатлар тўплами ҳамда банк томонидан ажратилаётган кредитларга қўйилаётган фоиз ставкалари ва бошқа зарур маълумотлар билан тўлиқ таъминланган.

Бугун мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида биринчи навбатда улар учун қулай муҳит, кафолат ҳамда рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтириш зарур. Айни паллада филиал томонидан чет эл инвестицияси иштирокидаги лойиҳалар бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда молия муассасасига 6 та корхона томонидан 6100 минг АҚШ доллари миқдорида ўз инвестицион лойиҳаларини таклиф қилинган. "Зумрут" шўъба корхонасининг 2500 минг, Бухоро матлубот ишлаб чиқариш тижорат марказининг 150 минг, "Гала Осиё" ШК 250 минг, "Жасмин" ШК – 250 минг, КП "Чевар"нинг – 1миллион ва "Исломобод" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг 1700 минг АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалари ана шулар жумласидандир. Бугунги кунда "Зумрут" шўъба корхонасига Германиянинг "Гермес" компанияси кафолати орқали 2500 минг АҚШ доллари миқдорида валюта кредити бериш масаласи "Саноатқурилишбанк" республика идораси томонидан кўриб чиқилиб, ижобий хулосаланган. Инвестицион лойиҳани тез орада амалга ошириш учун Бухоро минтақавий филиали томонидан талаб этилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган. Асбоб-ускуналарнинг 85 фоизи "Гермес" кафолати остида молиялаштирилади. Унинг кафолати остида олинадиган кредитнинг асосий шарти умумий миқдор 500 минг Евро ёки АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак. "Гермес" кафолати қопламаси остида йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда асосан аккредитив тўлов шарти қўлланилади. Бу кредит ҳисобига SSM (Швейцария), Vaikmann, Gmpp (Германия) ва Staupli (Франция) фирмаларидан тўқимачилик соҳаси учун ниҳоятда зарур бўлган ишлаб чиқариш асбоб-ускунлари сотиб олиниб, Швейцариянинг Putep фирмаси билан ҳамкорликда 3622 минг дона момиқ сочиқлар ва йигирилган ип ишлаб чиқаришга мўлжаллангандир.

-Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан кейин энг қулай ва замонавий тўлов воситаси ҳисобланган пластик карточка тобора оммавийлашиб бормоқда, - дейди банк бошқарувчиси Асқад Турсунов. - Ўтган вақт давомида "Банкнинг минтақавий филиали томонидан 4 та ташкилот билан ойлик маошларни пластик карточка орқали тўлаш бўйича шартнома тузилди ва қўшимча 725 та мижозга ҳисоб рақами очилди. Ниятимиз келажакда вилоятдаги кўпгина корхона ташкилотлар билан ҳам банкоматлар орқали иш ҳақини пластик карточкаларда тўлашни амалга ошириш.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераккки, молия муассасасида мижоз ўз маблағини банкнинг исталган шохобчасидан олиши мумкин. Бундан ташқари кассалар фаолиятида аҳолига намунали ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича энг сўнгги янгиликлар жорий этиб борилмоқда. Банк тизимида мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида 11 ташкилотда "Банк-мижоз" дастури ва 3 та мини-банк фаолияти йўлга қўйилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ушбу банк зиммасидаги вазифаларни уддалаб, мижозлар ишончини оқламоқда.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

